

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 6-avgust, chorshanba
№ 61 (15803)



Navqiron avlod so'zi

Имконият, билим ва интилиш

— ютуқларимнинг аниқ формуласи

Бугун жуда хурсандман. Бу хурсандчилик боиси айнан Корея Республикасининг Тэджон шаҳрида бўлиб ўтган математика фан беллашувида иккинчи ўринни олганим учун эмас. Мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуғ 23 йиллик байрамига шу юрт фарзанди сифатида кумуш медалимни тухфа қилдим. Тўғри, бу ютуғим дўстларим эришаётган зафарлар олдида арзимасдир, аммо кўрдимки, юртдошларим бу хушxabарни эшитиб севиндилар, эзгу тилак, ниятлар ила мен ва беллашувда қатнашган бошқа тенгдошларимни табриклашди. Уйлашимча, энди улғайиб келаётган иқтидорли ёш учун бундан катта эътибор, рағбат бўлмаса керак. Шундай болаларини яхши кўрадиган, уларнинг келажаги учун қайғурадиган юртда яшаётганимнинг ўзи мен учун улкан бахт.

Кичкиналимда «ҳали шундай воқеа юз беради, мен қайсидир касбни яхши кўриб қоламан», деб кўп уйлардим. Назаримда, инсонлар ўз касбларини қутилмаганда, қандайдир қизиқарли воқеалар сабаб танлашарди. Ўша воқеа қачон бўлади, билмасдим-у, ҳаётимда унинг тезроқ рўй беришини хоҳлардим. Ишонасизми, бу «оламшумул» воқеали мени кўп қуттирмади. Ушунда иккинчи синфда ўқирдим. Математикага меҳр қўйдим. Бошланғич синф ўқитувчимиз Муқаддас Шерназарованинг дарсни қизиқарли ўтиши қалбимда бу меҳрни уйғотди. Шу-шу, математиканинг сир-асрорларини ўрганишга астойдил бел боғладим.

Ҳозир мураккаб масалалар-

ни қийналмай еча оламан. Бўш вақтимда мактаб-интернатимизда ташкил этилган математика тўрагагига қатнайман. У ерда дўстларим билан математиканинг биз билмаган қирраларини ўрганаёпмиз. Озми-кўпми ўрганганларимдан хулосаларим шу бўлдики, ҳаёт математик амаллар, формулалардан иборат. Агар инсон математик масалаларни аниқ, тўғри еча олса, у ҳаёт масалаларида ҳам янглишмайди, аниқ фикрлаб, ўзи учун маъқул йўлни танлай олади, деб ўйлайман.

Қўлга киритаётган ютуқларимнинг сири фақат менинг интилишим ва ўз устимда изланишим эмас. Тўғри, 2013 йилда «Билимлар беллашуви»нинг Фарғона вилояти босқичида иккинчи ўринни олдим. Жорий йил эса фан олимпиадасида математикадан биринчи ўринни қўлга киритдим. Бироқ мен каби қизиқувчан ёшларга етарли шароит бўлмаса, бу ютуқларга қандай эришиш мумкин? Албатта, нимага эришаётган бўлсам, бунда жонажон таълим масканим, талабчан устозларим, меҳрибон яқинларимнинг ҳиссаси катта.

Келажақда боболаримиз Ал-Хоразмий, Берунийга муносиб издош бўлиб, билимим, қобилиятим ва меҳнатларим орқали юртимиз ривожига ҳисса қўшмоқчиман.

Жасурбек ИМОМОВ,
Фарғона вилояти Бувайда
туманидаги
2-ихтисослаштирилган
мактаб-интернатнинг
7-синф ўқувчиси, халқаро
фан беллашуви ғолиби



Рустам Назарматов олган сурат

Кун mavzusi

Ёшлар масаласи — эътибор марказига

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ҳаракатнинг жорий йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури»да белгиланган вазифалар ижроси, йўл қўйилган камчиликлар муҳокама қилинди.

Йиғилишни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Фаниев бошқарди. Тадбирда Марказий Кенгаш аъзолари: тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, Ҳаракатнинг

Марказий Кенгаши аппарати раҳбарияти, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари раислари иштирок этди.

Дастлаб иштирокчиларга жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ташкилот тизими-

да амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди. Мазкур масала юзасидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси ва раис ўринбосарларининг ахбороти тингланди. Таъкидланганидек, ҳозирги кунда «Камолот» ЁИХ атрофида тўрт миллион нафардан зиёд ёш бирлашган. Тизимда 15071та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Ҳаракат қошидаги «Камалак» болалар ташкилоти 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган икки миллион нафардан ортиқ аъзосига эга.

(Давоми 2-саҳифада)

Ёшлар масаласи — эътибор марказида

(Давоми, аввали 1-саҳифада)

Ҳисобот даврида Ҳаракат томонидан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар ўрта-сида спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳамда маънавий-маърифий соҳада жами 21 мингдан зиёд тадбир ташкил этилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёш етакчи ҳамда раҳбар кадрларни тарбиялашда ўзига хос тажрибага эга. Ташкилотнинг бу борадаги салоҳиятини юксалтириш, шу жумладан, Ҳаракат тизимида ишлаётган кадрларни ёшартириш ҳамда улар орасидан энг истеъдодли, ақл-заковатли йигит-қизларни пухта танлаб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда ҳудудий ва маҳаллий кенгашлар кесимида 2,5 минг нафардан ортиқ ёш кадрлар тўғрисидаги маълумотлар банки яратилган. Бу ёшлар айна кунда Ҳаракатнинг турли бўғинларида ўзларини фаол намоён этиб, мамлакат раҳнақи ва жамият фаровонлиги йўлида хизмат қилган ҳолда юртимиздаги минглаб ёшларга намуна бўлиб келмоқда.

Кун тартибидоги иккинчи масала юзасидан Баҳодир Фаниев ҳисобот берди.

Айтиш керак, жорий йилда қабул қилинган «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ижросида давлат ташкилотлари билан бир қаторда республикамиздаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам фаол қатнашапти. Жумладан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Давлат дастурининг 26та бандига бевосита масъул этиб белгиланган. Уларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш ҳамда тизимли равишда мувофиқлаштириш мақсадида «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси раҳбарлигида ишчи гуруҳ шакллантирилган эди.

Олиб борилган мониторинг натижалари Давлат дастурини амалга ошириш бўйича жойларда бир қатор камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди. Хусусан, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида дастурнинг Ҳаракатга тегишли бандлари бўйича ижроси таъминланмаганлиги қайд этилди.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги қарорига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури» тасдиқланган. Мазкур дастур 67та банддан иборат. Ҳозирга қадар 11тасининг ижроси тўлиқ бажарилди. Йўл қўйилган айрим камчиликлар тўғрисида йиғилишда батафсил айтиб ўтилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати асосий ижрочи этиб белгиланган дастурнинг тўртта банди, яъни жойларда тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида видеороликлар танловини ўтказиш, ёш тадбиркорлар учун «Бизнес инкубатор»лар, шунингдек, Ҳаракатнинг ҳудудий кенгашлари қошида «Мунозара» тўғрақларини ташкил этиш, тажриба-синов тариқасида Тошкент шаҳрида «Республика ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган вазифалар қониқарсиз даражада бажарилгани таъкидланди.

Бундан ташқари, Ҳаракатнинг айрим ҳудудий ва маҳаллий кенгашлари биноларини таъмирлаш, бошланғич ташкилотлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш зарурлиги хусусида ҳам фикр билдирилди. Бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда етакчилар учун ўқув-семинарларини ташкил этиш муддатларини қайта кўриб чиқиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

Йиғилишда кўтарилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» муҳбири

Istiqlol tuhfası

Келажакда қайси касб эгаси бўлмасин, болаларнинг яхши инсон бўлиб камол топишларида оилада олган тарбияси, таълим муассасаларида олган билимлари қаторида уларда шаклландиган эстетик дид, санъатга қизиқишнинг ҳам ўрни жуда катта. Хўш, санъатга муҳаббат, уни баҳолаш, ундан завқ олиш қобилияти қандай шаклланади?



Ранглар ҳарорати

Театр, кинотеатр, концерт заллари билан бирга музей, санъат галереялари бу борада энг яхши воситалардир. Фарзандининг нафақат билимли, балки дунёқарши кенг, гўзалликка ошuftа, қалби тоза инсон бўлиб улғайишини истаган ҳар бир ота-она ўғил-қизларини шундай маданият даргоҳларига тез-тез олиб боради. Энг яхши инсоний фазилатлар, гўзал туйғуларнинг шаклланишида санъатнинг ўрни беқиёс.

Бугун Навоий вилоятида яшовчи тенгдошларимизнинг бу борадаги имкониятлари янада кенгайди. Вилоят марказида фаолият бошлаган санъат галереяси келгусида минглаб болаларнинг истеъдодини юзага чиқарса, минг-минглаб санъат шинавандаларига чексиз завқу шавқ улашса, ажаб эмас.

Қурилишига юз миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган мазкур санъат даргоҳи унга қадам қўйган кишини даставвал Шарқ ва Фарб меъморий услубларини ўзида мужассам этгани билан мафтун қилади. Галерея биносининг кўрғазмалар залига кираве-ришда Соғлом бола йилига бағишланган «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» мавзудаги кўрғазмага дуч келасиз. Шунингдек, бу ерда Ўзбекистон Бадий академияси академиклари, мўйқалам ва мойбўёқ усталарининг ўттиздан ортиқ ижод намуналари билан танишиш мумкин.

Кўрғазма экспозициясидан ўрин олган навоийлик ёш рассомларнинг абстракция, авангард, рангтасвир ва графика йўналишидаги ижодий ишлари томошабинни мулоҳазага ундайди. Зафар Салимов ана шундай ёш рангтасвир усталаридан бири. Кўрғазмада унинг тарихий ва анимал йўналишдаги ижодий ишлари томошабинлар эътиборига ҳавола қилинган.

— Расмларимда асосан ҳароратли ранглардан фойдаланаман, — дейди Зафар. Қизиқ, рангларнинг ҳам ўз ҳарорати бўлар эканда. Ёш мусаввирнинг изоҳлашича, кўз рангнинг нафақат товланишини, балки унинг ифори, ҳароратини ҳам «кўриши» мумкин. — Маълум бир ҳолат ёки воқеаликни ифодалашда тарихий манбаларга тез-тез мурожаат қиламан. Галереянинг очилиши мен каби бошловчи рассомлар учун катта имконият бўлди. Бу ерда ўз услубига эга, моҳир рассомларнинг асарлари ҳам намойиш этилади. Бу эса ўз навбатида биз, ёш мусаввирлар учун жуда катта масъулият юклайди. Устоз ижодкорларнинг ёнида туриш қандай масъулиятли ва шарафли бўлса, уларнинг асарлари ёнига бизнинг расмларимизнинг қўйилиши ҳам ана шундай шарафли ва масъулиятлидир. Улардан жуда кўп нарса ўрганамиз.

Санъат галереясида тасвирий санъат асарларидан ташқари, ли-

бос дизайнерлиги, наққошлик, кулчилик намуналари ҳам киши диққатини тортади. XVIII аср охири ва XIX аср бошларига оид миллий либослар дизайни билан шуғулланган Умида Кенжаеванинг шу соҳадаги ютуқлари галерея бурчагини безаб турибди. Патдўзи, кашта, атлас ва банорас матоларидан тикилган қадимий либосларни замон андозасига мослаган дизайнер санъат маскани ҳақида сўзлар экан, ҳаяжонини яширмади.

— Галерея навоийлик ижодкорлар учун энг сеvimли ва кадрдон даргоҳлардан бири бўлиб қолади, десам хато бўлмайди, — дейди Умида Кенжаева. — Авваллари Бадий академиянинг вилоятдаги вакиллари томонидан кўрғазмалар аниқ бир жойда ташкил этилмасди. Ёшларнинг ижодий ишларини тўплашга бироз қийналганмиз. Бу иншоот қувончимизга қувонч қўшиб, ижодимизга илҳом бағишламоқда.

Санъат кадр топган жойда ҳаёт гуллайди. Бундай замин фарзандлари энг юксак инсоний фазилатлар билан улғайиши тайин. Шу боис, юртимизда истеъдод соҳибларига катта эътибор қаратилмоқда. Уни юзага чиқариш учун барча шароитлар муҳайё. Демак, бугунги одимлар элтадиган манзиллар аниқ.

Дилдора КАТТАЕВА

Битирувчи қизлар ва бандлик

Қашқадарё вилоятида касб-хунар коллежлари битирувчиларини, биринчи навбатда, қизларни эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштириш юзасидан вилоятда олиб борилган ишлар Республика комиссияси ишчи гуруҳи иштирокида ўрганилди.

— Битирувчи қизлар бандлигини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳаётга кенг жалб этиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ходими Файзулла Қосимов. — Бугун кун тартибидоги учта масала турибди: битирувчи қизлар бандлигини таъминлаш, олий ўқув юртига киролмаган қизларни ишга жойлаштириш ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган қизларни қўллаб-қувватлаш.

Қайд этилганидек, 2013 — 2014 ўқув йилида касб-хунар коллежлари, академик лицейларни 21408 на-

фар қиз тамомлади. Уларнинг 7174 нафари олий ўқув юртларига ҳужжат топширган бўлса, 7663 нафари ишга жойлаштирилди. 346 нафар қиз тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган, 78 нафари эса айна пайтда мазкур фаолият билан шуғулланмоқда.

Қайд этиш жоизки, жорий йилда тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчилари учун ажратилиши мўлжалланган умумий маблағ 9,5 миллиард сўм бўлиб, ҳозиргача 5 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилди. Шундан 1 миллиард 289 миллион сўм битирувчи қизлар тадбиркорлиги учун йўналтирилган.

Тадбирда шаҳар ва барча туманлардаги мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда битирувчилар бандлигини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шоҳиста БОЗОРОВА,
«Turkiston-пресс»

Mustaqilligimizning 23 yilligi oldidan

Истиқлолнинг иқтидорли фарзандлари

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида «Истиқлол фарзандлари» ёшлар фестивалини ўтказмоқда. 12 — 14 август кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтадиган ушбу фестиваль ҳақида «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашида ташкил этилган матбуот анжуманида батафсил маълумот берилди.



Анжуманда таъкидланишича, мазкур фестивалда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўз билим ва ақлзаковати, ташаббускорлиги, ватанпарварлиги билан юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган илғор ёшлар — давлат мукофотлари, жумладан, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиблари, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони совриндорлари, халқаро фан олимпиадалари ва спорт мусобақалари ғолиблари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати лойиҳаларида ғолибликни қўлга киритган ўғил-қизлар иштирок этади. Фестиваль доирасида иштирокчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд ва Олий судда учрашувларини ташкил этиш кўзда тутилган. Шунингдек, фестивал дастурига асосан, ҳудудлардан келган ёшларнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси ва Симпозиумлар саройига саёҳати, Тошкент шаҳридаги Турин

политехника ва Халқаро Вестминстер университетлари билан танишуви ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раҳбарияти билан учрашуви ташкил этилади.

«Мен Ўзбекистонни севаман!». Шубҳасиз, барчамиз Ватаним чин дилдан севиб, ардоқлаймиз. Бироқ Ватанга бўлган муҳаббатни шунчаки ширин сўзлар билан эмас, балки амалий жиҳатдан ифодалаб берсак, янада яхшироқ бўларди. Шу мақсадда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Истиқлол фарзандлари» ёшлар фестивали давомида «Ватанимга менинг тўғам» мавзусидаги ижодий ишлар танловини ҳам ўтказмоқда (*Танловга 5 август кuni start берилди*). Тенгдошларимиз ушбу танлов орқали Ватаним қандай севишларини кўрсатиб беришади. Унда мутахассислиги ва касбидан қатъий назар, ўттиз ёшгача бўлган ўғил-қизлар ижодий

имкониятларидан келиб чиққан ҳолда видеороликлари, тасвирий санъат асарлари, фотосуратлари, хунармандчилик, зардўзлик ва бошқа йўналишлардаги ижод намуналари билан иштирок этиши мумкин. Барча иштирокчилар учун ягона талаб — ижодий ишларнинг ташқи кўриниши ва мазмунида 23 тасвири туширилган рамзий белги акс этиши керак. Ҳар бир иштирокчи ўз асарларини «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ижтимоий тармоқларидаги махсус саҳифаларига тўғридан-тўғри жойлаштириб бориши мумкин. Тўпланган ижод намуналари асосида кўргазма ташкил этилиб, энг сара асарлар Ҳаракатнинг расмий сайтида яратиладиган махсус фотогалереяга жойлаштирилади. Шунингдек, ёш шоирлар ўртасида энг улуғ, энг азиз байрамимизга бағишлаб шеърлар танловини ўтказиш ҳамда энг сара ижод намуналаридан иборат «Истиқлол фарзандларимиз» тўпламини нашр этиш белгиланган.

Ҳали бу ҳаммаси эмас. Фестиваль иштирокчилари «Бунёдкор» стадионида халқаро тоифадаги ҳакам, ФИФА рефериси Равшан Эрматов билан учрашиб, мулоқотда бўлишади. У ерда «Камолот» кутубхонаси лойиҳаси доирасида «Юрт ифтихорлари» туркумида чоп этилган «Равшан Эрматов: энг кучли ФИФА рефериси» китобининг тақдими ҳам ўтказилади.

Ёшлар фестивали 12 август — Халқаро ёшлар кунини «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остидаги гала-концерт билан бошланади.

Матбуот анжуманида «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммадҷонова, «Баркамол авлод» республика болалар марказлари вакиллари, Ҳаракат фаоллари, ўқувчи-ёшлар, ота-оналар, журналистлар иштирок этади. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишиди.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» муҳбири.
Рустам Назарматов олган сурат.



Муҳаммад Али

ЁШЛИК ХИТОБИ

*Писанд эмас менга ўтларга кирмоқ,
Олов кечмоқ ва ё шўгла симирмоқ!
Мен — «Камолот», дилда ёниқ мақсадим!
Ўзим — олов, мен оловнинг ўзиман,
Ўти йўқлар ёниб олсин, розиман!*

*Мен бўронлар қидирмайман ҳеч қачон,
Даркор эмас тўфонлар келтирган шон!
Шоир, ҳақсен, «Бўронларда ҳузур бор»,
Ўзим — бўрон, мен бўроннинг ўзиман,
Ҳузур деган мунда келсин, розиман!*

*Орзуларнинг қанотида учмасман,
Само ила саҳроларни қучмасман,
Учиргайман ўзгаларни мен ўзим,
Ўзим — орзу, мен орзунинг ўзиман,
Қанотсизга қанот бўлсам, розиман!*

*Жасоратга эҳтиёжим йўқ менинг,
Йўқлигидан, ажаб, кўнглим тўқ менинг:
Эҳтиёжинг бўлса эркинг бўлмагай!
Ўзим — журъат, жасоратнинг ўзиман,
Жаҳонларга шиддат солсам, розиман!*

*Инсон бўлиб нафас олмоқ шарафдир,
Ўғлинг шундай шарафларга ярабдир.
Ўзбекистон, менда ҳақинг кўп, она!
Мен — ўзимман, ўз-ўзимнинг ўзиман,
Фармон айла, нима десанг, розиман!*

Та'тил zavqi

Қайноқ ёзнинг қувноқ лаҳзалари

Сирдарё вилоятида учта стационар турдаги оромгоҳ, ўн учта кундузги соғломлаштириш оромгоҳи бўлиб, уларда тўрт ярим минг нафар бола дам оляпти. Ёзги таътил вақтида болаларнинг мазмунли дам олишларини ташкиллаштириш, оромгоҳларда ташкилий, маънавий, маданий ва маърифий тадбирларни ўтказиш учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилояти кенгаши «Оромгоҳда «Камолот» кунини» лойиҳасини ишлаб чиқди.

Бугун ушбу лойиҳа доирасида вилоят «Камалак» болалар ташкилоти аъзолари оромгоҳларда бўлиб, турли маданий-маърифий тадбирлар ташкиллаштиришмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири вилоят «Баркамол авлод» болалар ижодиёт маркази ҳамда Гулистон шаҳар маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Лойиҳага Гулистон шаҳридаги «Сайхун зиёси» болалар соғломлаштириш оромгоҳи, «Баркамол авлод» болалар ижодиёт маркази аъзолари, «Кувноқ» номли

мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари ҳамда маҳалла болалари жалб этилди. Улар иштирокида «Оромгоҳда олимпиада» ва «Соғломжон — полвонжон» мусобақаси, «Жажжи юлдузлар» танлови, «Камалак» — менинг ташкилотим», мавзусида асфальтга расм чизиш танлови ҳамда «Тоза кўллар» акцияси ташкил этилди.

Стационар турдаги оромгоҳларда ҳам дам олувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ва мароқли ўтказиш мақсадида

кўплаб қизиқарли, ноанъанавий тадбирлар ўтказилмоқда. Боёв туманидаги «Шодлик» оромгоҳида бўлиб ўтган тадбирда «Сиз «Камолот»ни биласизми?» мавзусида «Брейн-ринг» ўйини ташкил этилди. Тадбир давомида оромгоҳ тарбияланувчилари «Камолот» ва «Камалак» жамоаларига бўлинган ҳолда интеллектуал ўйинда ўз билимларини синовдан ўтказишди.

— Интеллектуал ўйин биз, ўқувчи-ёшларнинг билим ва савиямиз ошишида фойдали бўлди. Биз қанчалик билимга эгамиз ва яна нималарни ўрганишимиз керак эканлигини ушбу тадбир орқали билиб олдик, — дейди ўйин иштирокчиси Бобуржон Раҳимов.

Кундузги соғломлаштириш оромгоҳларида ташкил этилаётган маданий тадбирлар ҳам болалар учун қизиқарли бўлмоқда. Мирзаобод туманидаги «Қалдирғоч» кундузги дам олиш оромгоҳида ўтказил-

ган «Сиз «Камалак»ни биласизми?», «Болалик», «Шижоат» каби интерфаол ўйинлар ҳам болаларда катта таассурот қолдирди. «Кувноқ семинар» «Сўз сардорга» ўйинига уланиб кетди. Тадбирнинг энг сўнгги — «Биз истеъдодларни излаймиз!» танловида болалар ўзларининг ижодий қобилиятларини намойиш этди.

Вилоятдаги тарихий обидалардан бири «Сардоба гумбази»да «Биз экологияни асраймиз!» шиори остида тадбир ташкил этилди. Унда Сардоба туман сардорлари «Соғломжон», «Кувноқлар», «Билимдонлар», «Ёш табиатшунослар» бекатларини ташкил этиб, болаларга шодлик улашди. Бу ерда тадбир иштирокчилари ободонлаштириш ишларини ҳам бажаришди. Асосийси, ўқувчилар сув сақловчи ушбу тарихий ёдгорлик ҳақида қизиқарли маълумотларга эга бўлишди. Тадбир сўнггида болалар ўртасида «Сардоба — сув ин-

шооти» мавзусида расмлар танлови ўтказилди.

Вилоят «Камалак» болалар ташкилоти маҳаллалардаги оромгоҳларга жалб этилмаган болаларнинг ёзги таътил мавсумини мароқли ўтказиш мақсадида 15 июлдан чекка ҳудудларда ўн битта лойиҳа доирасида турли танловлар, спорт мусобақалари, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда. Ушбу тадбирлар 21 августга қадар давом этади.

Вилоят Сардорлар кенгаши аъзолари томонидан ўтказилаётган «Биз, тинчликсевар юрт фарзандларимиз!» шиори остида болалар концерт дастурлари, «Сен билан бирга «Камолот» сари» акцияси, «Билимдон болалар», «Кувноқ бахслар» каби тадбирлар ҳам болаларнинг ёзги таътил мавсумини янада мазмунли ўтишига хизмат қилмоқда.

Наргиза ХОЛБОЕВА,
Сирдарё вилояти

Iqtidorli yoshlar — yurt kelajagi

Тупроққа жон берувчи мумти жонлар

Бугунги кунда сайёрамизда шўрланган ерларнинг умумий майдони 950 миллион гектар. Шўрланиш мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун ҳам жиддий муаммо саналади. Заҳ ерларда ҳосил етиштириш ниҳоятда мушкул, баъзан эса иложсиздир. Аҳоли сони ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж йил сайин ортиб бораётган бир пайтда бундай вазият дунё мамлакатларини танг аҳволга солиб қўйиши ҳеч гап эмас. Бунга йўл қўймаслик учун деҳқон ва фермерлар ердан максимал даражада фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Энг оммавий усул — кимёвий минерал ўғитлардан фойдаланиш. Бирок мазкур тенденция табиатга тикланмас зиён етказаетгани билан хавфлидир. Зеро, ерни ҳадеб кимёвий моддаларга тўйинтириш тупроқ микрофлорасининг бузилишига сабаб бўлади. Натижада, у шўрланиб, ярқисиз ҳолга келади.

Муаммони ечишнинг самарали йўлини мамлакатимиз микробиологлари топишди. Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институтида тупроқ унумдорлигини оширувчи ҳамда шўрланиш даражасини пасайтирувчи комплекс таъсирга эга янги биопрепаратлар яратилган. Улардан бири — «Rizokom-1» шўрланган тупроқларда ғўза ўсимлигини етиштиришда қўлланилади. Ихтиронинг муаллифи тупроқ микробиологияси лабораторияси кичик илмий ходими Хуршида Норбоева.

— Ҳар қандай ўсимлик озукани тупроқдан олади, — дейди ёш олим. — Лекин бевосита эмас, балки ризобактериялар орқали. Улар ўсимлик илдизининг ризосфера деб аталувчи қисмида жойлашади. Асосий вазифаси фосфор, азот, калий ва бошқа керакли бирикмаларни парчалаб беришдан иборат. Кўп йиллардан буён ерларимиз фосфорли ўғитлар билан ишлов бе-

Микроорганизмлар кўзга кўринмасида, кўпчилигимиз ҳатто тасаввур қила олмайдиган имкониятларга эга. Масалан, тупроқда яшовчи айрим фойдали бактериялар ерни даволайди. Шўрланишнинг олдини олади, тупроқни турли заҳарли моддалар ва зараркуналлардан тозалаб, унумдорлигини оширади. Демак, кўз илғамас микроолам вакиллари сайёрамизни экологик ҳалокатдан асраб қолиши мумкин.

рилади. Ўсимлик уларнинг 15-20 фоизини ўзлаштиради, холос. Ерга ҳаддан ташқари кўп ўғит солинганда, ортиқча фосфор тупроқдаги кальций билан бирикиб, сувда эримайдиган ва парчаланмайдиган тузларга айланади. Тупроқнинг биологик таркиби ўзгариши натижасида шўрланиш юзага келади. Микроорганизмлар ўртасидаги мутаносиблик ҳам бузилиб, кўплаб фойдали бактериялар ҳалок бўла бошлайди. Охир-оқибат ўсимлик яхши ривожланолмайди.

— Илмий излашларимиз бундай ҳолатни микроорганизмларнинг ўзи бартараф эта олишини кўрсатди, — давом этади Хуршида Норбоева. — Фақат бунинг учун улар ичидан энг кучлиларини саралаб, бир гуруҳга тўплаш талаб қилинади. Ушбу ғоя бизни янги биопрепарат яратишга ундади. Мен ўз тадқиқотимни ғўза ўсимлигида олиб бордим. Илмий раҳбарим, биология фанлари доктори Гулнора Жуманиёзова билан бирга дастлаб шўрланган тупроқда ўсган ғўза ўсимлиги ризосферасидан йигирмата ризобактерияни ажратиб олдик. Ҳар бирини лаборатория шароитида ўргандик. Биопрепарат учун шундай бактерияларни танлаш керак эдики, улар бир вақтнинг ўзида фосфорпарчаловчи, токсик (заҳарли) тузларнинг юқори концентрациясига чидамли, ғўза касалликларини келтириб чиқарувчи замбуруғли патогенлар фаоллигини пасайтирувчи, илдиз ҳосил қилувчи ҳамда ғўзанинг ўсишида фаол қатнашадиган бўлсин. Йигирмата штаммдан тўрттаси ушбу талабларга мос келди. Мазкур ризобактериялар асосида «Rizokom-1» ни ишлаб чиқдик. У суяқ ҳолда бўлиб, ғўза уруғини экишдан олдин ишлов бериш учун мўлжалланган. Муҳими, биопрепаратимиз экологик тоза ва хавфсиздир.

«Rizokom-1»нинг дала шароитидаги синовлари 2009 — 2012 йилларда Сирдарё вилоятида амалга оширилди. Янги биопрепарат нималарга қодир эканига маҳаллий фермерлар пахта ҳосилга кирмасданок гувоҳ бўлишди. Тажрибали деҳқонлар билади: шўр тупроқда ғўза пояси 30 сантиметрдан баланд ўсмайди. «Rizokom-1» бактериялари эса бу кўрсаткични нақ икки бараварга ошира олган. Боз устига, ҳосилдорлик ҳар гектардан 5-7 центнерга кўпайиб, пахта толасининг сифати яхшиланди. Ортиқча минерал ўғит сарфлаш у ёқда турсин, одатий меъерини 25-50 фоизга қисқартиришга эришилганини айтмай-сизми? Тажриба-синов натижалари биопрепарат ўзида жамлаган ризобактериялар тупроқнинг шўрланиш даражасини сезиларли даражада пасайтиришга хизмат қилишини ҳам кўрсатди.

— Бундан икки йил олдин сирдарёлик фермерлардан бири «Rizokom-1» билан ишлов берилган ғўза уруғларини деградиацияга учраган, яъни умуман ҳеч нарса ўсмайдиган жойда экиб кўрмоқчи бўлди, — дейди суҳбатдошимиз. — Кўп ўтмай фермер бизга «ўлик тупроқ»да



қийғос очилиб турган оппоқ кўсақларни кўрсатди. Шундай пайтда қилган ишингдан ростманна фахрланиб кетасан, киши. Ахир, табиатдан қанчалик беаёв фойдаланамиз! Унинг дардига дармон бўлишни ҳам билишимиз керак-ку.

Табиатни асраш иштиёқи Хуршиданинг қалбида бежиз бу қадар чуқур жой олгани йўқ. У болалиқдан минтақамиздаги энг йирик экологик фожеа билан ёнма-ён яшади. Қорақалпоғистон Республикасининг Кўнғирот шаҳрида туғилиб-ўсган қизалоқ Орол денгизининг ҳалокати ҳақида жуда яхши тасаввур ҳосил қилганди. Биолог бўламан дейишининг сабаби ҳам шундан бўлса керак.

Хуршида Норбоева Ўзбекистон Миллий университетининг биология-тупроқшунослик факультетида таълим олди. Иккинчи курсда Микробиология институтига амалиётга келгач, тупроқ муаммолари билан қизиқа бошлади. Илмий фаолиятини тупроқ микробиологияси соҳасида олиб борди. Яна ўша Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ кучли хотиралар сабабми, эътиборини шўрланиш ва қурғоқчиликка чидамли микроорганизмларга қаратди. Малакавий ишини кейинчалик магистратура ва докторантурада давом эттирди.

Талаба пайтиданоқ Хуршида лабораторияда олиб борилган иккита грант лойиҳаси: «Шўрланишга қарши курашишда самарали микробли биотехнология яратиш» ҳамда «Полуфункционал микроорганизмлар асосида комплекс таъсирга эга биопрепаратлар тайёрлаш технологиясини яратиш» мавзуларидаги илмий тадқиқотларда иштирок

эти. Бундай масъулиятли вазифа илмий салоҳиятини ошириш имконини берди.

Ҳозирга қадар ёш тадқиқотчи илмий иши юзасидан республикамиз ва хорижий мамлакатларда қирқдан ортиқ мақола ва тезис чоп эттирган. Бундан ташқари, у битта ихтиро муаллифи ҳамдир. «Rizokom-1» биопрепарати учун навбатдаги патентни олишга тайёргарлик кўрмоқда. Ўтган йили Хуршида замонавий қишлоқ хўжалиги технологиялари ҳамда ўсимликлар озукасига бағишланган Ўрта Осиё олимларининг биринчи Конгрессида иштирок этиб, инглиз тилида маъруза қилди. Шунингдек, Хуршида мамлакатимизда ҳар йили ўтказиладиган «Инновациялар, технологиялар ва лойиҳалар» ярмаркасида мунтазам қатнашиб келмоқда. Жорий йилда у Фанлар академияси тизимида ташкил этилган «Йилнинг энг фаол ёш олими» танловининг Тошкент шаҳар босқичида ғолиб бўлди.

— Аини вақтда лабораторияда шўр тупроқда етиштирилувчи ғалла учун алоҳида комплекс таъсирга эга янги биопрепарат — «Rizokom-2»ни яратиш бўйича илмий иш олиб бораётимиз, — дейди Хуршида Норбоева. — «Rizokom-1»ни республикамизнинг бошқа ҳудудларида синовдан ўтказиш ҳамда уни sanoat микёсида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш навбатдаги режаларимиздан ўрин олган. Маҳсулотимизга хорижда ҳам талаб бор. Демак, келгусида уни экспорт қилиш мумкин бўлади.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири.
Муаллиф олган сурат.

Shunday markaz bor

Керакли хунарларни ўрганишдаги



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бағдод тумани кенгаши қошида 2011 йилда «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази ташкил этилгани ҳудудда яшовчи ўғил-қизлар учун аини муддао бўлди. Боиси улар учун қулай жой — туман маданият ва истироҳат боғи ҳамда футбол стадиони яқинида жойлашган мазкур марказда аини пайтда тўрт йўналишда хунар ўргатилмоқда.

Биргина пазандалик тўғарагида эллик нафар ўқувчи йигирма хил торт, ўттиз беш турдаги салат, қирқдан ортиқ турдаги пишириқ ва йигирма хил печенье тайёрлашни технологиясини ўрганиш билан банд.

— Марказга қатнай бошлаганимга бир ой бўлди, — дейди Бағдод хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежи ўқувчиси Зайнура Турғунова. — Ўтган вақт мобайнида ўн беш хил салат, турли пишириқ ва ширинликлар тайёрлашни ўргандим. Уч ойлик курсни тугатганимга қадар устозим ўргат-

ган билим ва сабоқларни пухта ўзлаштириб, оиламизнинг қўли гул пазандасига айланаман.

Тумандаги бошқа коллеж ва мактаб ўқувчилари, қолаверса, уй бекалари пазандалик тўғараги раҳбари Мукаррам Турдалиевадан хунар сирларини пухта ўрганишмоқда.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири
СУРАТДА: пазандалик тўғарагида торт тайёрлашнинг дастлабки босқичини ўрганишда.

Ona yurt bo'ylab «sayohat»

Хур Ва обог Ўзбекистоним!


Буюк алломалар, шоиру адиблар, танти ва мард инсонлар юрти — Сурхондарё қадим-қадимдан дунё тамаддунининг ўчоқларидан бири сифатида эътироф этиб келинади. Истиқлол йилларида вилоят янада файз ва тароват касб этди. Буни қуйидаги фотолавлардан ҳам билиб олиш мумкин.




Ҳақим ат-Термизий мақбарасининг замонавий қиёфаси. «Ҳақимия» тариқатининг асосчиси, машҳур тасаввуф олими, бобомиз Ҳақим ат-Термизий мақбараси Мустақиллик йилларида бошқа тарихий қадам-жолар билан бир қаторда қайта таъмирланди. Зиёратгоҳнинг бугунги гўзаллиги барчанинг диққат марказида. Бу тарихий маскан ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.



Бугунги кунда Сурхондарё ёшлари истеъдод ва салоҳияти билан юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Айниқса, бу заминдан етишиб чиқаётган спортчилар, санъаткорлар довуғи дунёга дoston. Уларни бежиз Алпомишу Барчинойлар авлоди, дейишмайди.



Бойсун. Тешиктош гори. Ибтидоий одамларнинг энг қадимий манзилгоҳларидан бири. Мазкур горда академик Николай Окладников бошчилигида археологик изланишлар олиб борилган. Натихада, оламшумул кашфиёт — неандертал типдаги инсон қиёфаси кашф этилди.



Surxondaryo viloyati



Термиз. Алпомиш ёдгорлиги. Мустақиллик йилларида бунёд этилган бу иншоот Сурхондарёнинг тимсолларидан бири ҳисобланади.



«Сурхон» спорт мажмуаси. Термиз шаҳрида бунёд этилган стадион «Баркамол авлод — 2011» спорт ўйинларининг очилиш маросимида ишга тушган. Стадион ўз бағрига ўн минг томошабинни сиғдиради.



Шеробод туманида жойлашган «Хўжайкон» туз кони табиий сихатгоҳ сифатида маълум ва машҳур.



Термиз давлат университетининг асосий биноси.



Бойсун туманидаги «Омонхона» сихатгоҳи.

Алибек ОМОНТУРДИЕВ тайёрлади.

2014-yil — Sogʻlom bola yili

Мақтабгача таълим — энг муҳим бўғин

Президентимиз раҳнамолигида пухта ишлаб чиқилган таълим-тарбия тизимининг муҳим бўғини сифатида мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида Наманган вилоятида ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бу ҳақда вилоят халқ таълими бошқармаси методика маркази раҳбари Муаззам ФАЙЗИБОВЕВА ЎЗА муҳбирига қуйидагиларни гапириб берди:

— Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги асосий ва филиал мақомидаги 578 мактабгача таълим муассасасида 50 минг 500 дан зиёд ўғил-қиз замонавий шариоитда тарбияланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги «Таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шариоитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида болаларни йигирма тўрт турдаги озик-овқат маҳ-

сулотлари билан таъминлаш, уларнинг хилма-хил бўлишига эришиш, болалар учун турли шарбатларни ҳар куни муассасанинг ўзида тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, муассасаларда овқатлантириш сифатига масъул гуруҳлар ташкил этилган.

Болаларни соғлом овқатлантириш бўйича семинар ва ўқув машғулотлари ташкил этилиб, мудира, ҳамшира ва ошпазларнинг назарий билими, амалий малакалари мунтазам ошириб борилмоқда. Тўрақўрғон туманидаги 21-кўп тармоқли давлат махсус мактабгача таълим муассасасида ташкил этилган шундай тадбирда барча туманлардан таклиф этилган мутахассислар тажриба алмашди.

Мақтабгача таълим муассасаларининг иш режасида болаларни ҳар томонлама соғ-

ломлаштириш, чиниқтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Бундай муассасаларда айни кунларда «Сув байрами», «Спорт байрами», «Жажжи гимнастикачилар», «Спортчилар оиласи», «Соғломжон-полвонжон», «Кичик футбол», «Жажжи шахматчилар» каби спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Кичкинтойларни чиниқтириш ҳамшира ва болалар шифокорларининг қатъий назоратида.

Бундай ишлар махсус мактабгача таълим муассасаларида ҳам болаларнинг касаллик даражаси ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилмоқда. Ҳаракат таянч аъзоларида нуқсон бор, нутқ, эшитиш, кўриш имкониятлари чекланган болалар билан алоҳида шуғулланилмоқда. Чуст туманидаги 53-мактабгача таълим муассасасида ўтказилган семинарда муассасага болаларни қабул қилиш тартиби ҳамда соғломлаштириш, чиниқтириш ишлари тажрибаси оммалаштирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори баркамол авлод тарбияси билан боғлиқ эзгу саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтарди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасини Тўрақўрғон туманидаги 18-мактабгача таълим муассасаси мисолида кўриш мумкин. Бу ерда «Мақтабгача таълим муассасаларида инглиз тили тўғраклари фаолияти» мавзусида семинар ташкил этилиб, инглиз тилини турли ўйинлар, ўйинчоқлар, кўргазмалар воситалар ёрдамида ўргатиш, болаларнинг имкониятларига мос машғулотлар ўтказиш тажрибаси намойиш этилди.

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Жажжи истеъдодлар» кўриктанлови, «Соғломжон-полвонжон» спорт мусобақаси ва

бошқа тадбирлар болажонларнинг санъат, спорт йўналишларидаги қобилиятларини кашф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қиз болалар ўртасида орасталик, саришталик, ҳаёibo ва меҳнатсеварлик фазилатларини тарғиб қилишга қаратилган «Зумрадойлар давраси» тўғрагининг ташкил этилгани, айниқса, ота-оналарни хурсанд қилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда болаларни мактабгача таълимга жалб қилиш қамрови паст бўлган туманларда болаларни мактаб таълимига тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. 125 мактабгача таълим муассасасидаги 301 бўш гуруҳда қисқа муддатли гуруҳлар очиш ҳисобига қамровни 45 фоизга кўтариш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур гуруҳларга 3 минг 125 нафар тарбияланувчи қамраб олиниши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонуности ҳужжатларини фаолиятимизда дастуруламал қилган ҳолда фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши йўлидаги ишларни давом эттирмоқдамиз.

ЎЗА муҳбири
Акромжон САТТОРОВ
ёзиб олди.

Shukrona

Қалбларга инган ёруғлик

Телефонда онам билан суҳбатлашсам, ҳар сафар уйдагилар, қариндошларнинг ахволи, соғлиғи, қолаверса, ҳамқишлоқларимиз ҳақида ҳам гурунг беради.

— Эшитдингми, ўғлим, — дейди гарчи етмиш ёшга кирса ҳам, ҳали тетик, хушчақчақ волидам. — Яқинда фалончи акангнинг қизи Тошкентга бориб, каратэ бўйича мусобақада олтин медаль олиб келди. Бобур — устозининг ўғли фан олимпиадасида голиб бўлибди. Бу ҳақда кечагина эшитдим. Кўшнимизнинг боласи ҳам чакки эмас, чет элдаги бир университетга ўқишга кирибди...

Бу хушxabарларни онам шунчалик фахр билан айтиб берадики, худди ўз боласи ёки неваралари шу ютуқларга эришгандек. Авваллари бу ҳолатни кўп ҳам тушунавермасдим, «бизга нима дахли бор?» деб ўйлардим. Лекин кейин, фарзандли бўлгач, катта ютуқларга эришаётган ёшларни кўрсам, менинг ҳам севинчим ичимга сиғмай кетадиган бўлди. Юртим тақдири худди ўз тақдирим билан чамбарчас боғлиқдек.

Бугун улкан зафарлари билан бизни шод этаётган ёшлар сафи шунчалар кўпки, қай бирини мақташни ёки бошқаларга ибрат қилиб кўрсатишни

билмайсан, киши. Улар билим, истеъдод борасида бир-биридан ўзади, бири жаҳон чемпиони, бошқаси фан олимпиадаси, кимдир санъат йўналишида нуфузли танловлар голиби. Истиклол мамлакатимиздаги минг-минглаб ёшларга ўз иқтидорларини намойён қилиши учун кенг имконият яратди.

Минг шўқри, ёш авлод ўтган қора кунларни кўрмади. Бироқ, ишонаманки, улар тарихимиз зарварақлари орқали мустақиллик, хурлик замонлари осонликча келмаганини чуқур англайди.

— Бир пайтлар «Сен кимсан, нималарга қизиқасан, қайси соҳага қобилиятинг бор?» деб биров қизиқмасди, — дейди, фарғоналик Мирқарим ака. — Билим, истеъдоднинг ярқ этиб кўзга ташланса, жамиятдан четлаштириларилинг. Собик тузум даврида ёшларга шу тахлит муносабатда бўлишгани бугун эртақдек туюлади. Лекин бу ҳақиқат-ку!

МУЛК ЭРКИНЛИГИ

Мустақиллик ёшларда мулкка бўлган янгича муносабатни шакллантирди. Тадбиркорлик учун кенг йўл очиб берилди. Ҳозир мамлакатимизда боқимандаликни ўзи учун ор деб биладиган, яратувчанликни ўзига эш санаган, тадбиркорликни оиласи ва ватани истикболи учун муҳим деб билиб, фаолият кўрсатаётган янги авлод шаклланди. Бу авлод вакиллари иқтисодий, ҳуқуқий билимлари ва

тадбиркорлиги, яратувчанлиги билан миллат равнақи йўлида муносиб ҳисса қўшмоқда.

Хизмат сафари билан Сурхондарёга кетаётиб, йўлда тадбиркор йигит билан танишиб қолдим. Унинг Олтинсой туманида узумни қайта ишлаб, шарбат тайёрлайдиган корхонаси бор.

— Яқинда тумандаги коллеж битирувчиларини иш билан таъминладим, — деди суҳбатдошим, ёш тадбиркор Отабек Абдурахмонов. — Тошкентга италиялик ҳамкорлар билан шартнома тузиш учун бордим. Энди махсуслотларимизни замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарамиз.

Шундай қатъий ва шижоатли бу йигитни ким тарбиялади дейсиз? Албатта, ота-онаси. Лекин истиклол ва шу юрт ҳам эмасми?!

Отабек сингари ишбилармон ёшларнинг кўпаяётгани Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат натижасидир. Муҳими, ушбу сиёсатнинг мазмун-моҳиятини юртдошларимиз ва ёшлар тўғри тушуниб, қўллаб-қувватламоқда.

ИЖТИМОЙ ФАОЛ ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг моҳиятини тушуниш ва уларни ўз орзу-мақсадлари билан уйғунлаштириш инсон ижтимоий фаоллигини ифодалайди. Ёшларнинг ижтимоий

фаоллиги уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокида намойён бўлади. Бу уларга жамиятда ўз ўрнини топишида ҳам ёрдам беради.

Бугунги кунда ижтимоий фаол ёшларимиз кўп. Улар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билади. Яқинда юртдошларимиздан бири, Навоий шаҳридаги «Орзу» маҳалласи раиси Раъно Болиева шу ҳақида гапириб ўтганди:

— Мустақиллик байрамига тайёргарлик бошланган, — деди у. — Иш қизғин. Ҳамма жойда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Қарасак, кўп қаватли уйлардан бирининг йўлаклари таъмирталаб аҳволда. Нима қилишга ҳайронмиз. Шу уйда яшовчи аҳоли, айниқса, ёшлар ташаббуси билан йўлак бир пасда таъмирланди. Хурсанд бўлдимки, бугун одамларимизда ҳамма нарсани давлат қилиб берсин, деган кайфият йўқ...

Иймони бутун, иродаси мустаҳкам бундай фидойи ёшларнинг кўплиги давлат ва жамият тараққиёти учун хизмат қилади, албатта.

Мустақиллик — бизники. Шу нуқтаи назардан, истиклолнинг мазмун-моҳиятини ёшларимиз онгига тўғри сингдириш мамлакатимизнинг тараққий этган давлатлар қаторига қўшилишининг муҳим шартидир.

Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,
Тошкент давлат юридик
университети доценти

Sogʻlom bola — yurt kelajagi

Оналар юзигаги табассум



Болалар шифокори бўлишнинг нозик томонлари кўп. Масалан, бунинг учун нафақат бола тилини тушуниш, балки унинг дилини тушуниш, англаш ҳам жуда муҳим. Гўдак қаери оғриётганини айтолмас, фақат чинқириб йиғласа, она учун бундан ҳам азоблироқ дард бўладими? Мана шундай дамларда болалар шифокорларининг нақадар шарафли касб эгалари эканига яна бир бор иқдор бўласан, киши.

педиатрия институтини муваффақиятли тамомлаган Зулфия Холмирзаева иш фаолиятини пойтахтдаги 5-сонли кўп тармоқли болалар шифохонасида болалар анестезиологи ва реаниматологи сифатида бошлади. Ушадаргоҳда устоз шифокорлар тажрибасини ўрганди, малака оширди.

Хозирда у Бекобод туман тиббиёт бирлашмасига қарашли болалар бўлимнинг реанимация бўлимида врач-реаниматолог, анестезиолог вазифасида ишлаб келмоқда.

Беморга энг аввало тўғри ва аниқ ташхис қўйиш жуда муҳим. Бунда шифокор билими ва тажрибаси қанчалик аҳамиятга эга бўлса, шифохонада яратилган шарт-шароитлар ҳам шундай ўрин тутати. Зулфия Холмирзаева каби ўз касбининг фидойи вакиллари меҳнат қилаётган Бекобод туман тиббиёт бирлашмасига қарашли болалар бўлимида бу борада барча имкониятлар ишга солинган. Муассаса зарур тиббий жиҳозлар, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган.

— Буларнинг бари юртимизда муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тиббиёт соҳасига берилаётган

этибор, хусусан, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кўрилатган чора-тадбирлар натижасидир, — дейди Бекобод туман тиббиёт бирлашмасига қарашли болалар бўлими мудираси Ирода Қодирова. — Шифохонамизга келган болаларнинг соғлигини тиклаб, уларнинг оналари кўзига кувончни кўришдан ортиқ бахт йўқ биз учун. Ҳар бир беморга аниқ ташхис қўйиб, сўнгги муолажамга қадар тиниб-тинчимайдиган Зулфия Холмирзаевадек шифокорларимиз бунинг учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Зулфия опадаги шижоат ва қатъийлик биз, ёш шифокорлар учун ибратдир.

Ҳар бир бола — миллат келажаги, мамлакат эртаси. Уларнинг соғ-саломат, жисмонан ва маънан етук инсонлар бўлиб камол топиши — юрт бахти. Бу бахтнинг тўқислиги фидойи касб эгалари — тиббиёт ходимларининг фаолиятларига ҳам боғлиқ. Зиммасидаги масъулиятли вазифаларини шараф билан уйдалаётган жонкуяр юртдошларимизга қарата, ҳеч қачон кам бўлманг, деб қоламиз.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Тошкент педиатрия институтига ҳужжат топшираётганда Зулфия қандай ишга қўл ураётганини тўлиқ англаб етган эди, десак муболага бўлади. Унда ёшлик ҳаваси бор эди. Шифокорликни танлаган, тўғри, аммо бу касбнинг сир-синаотлари, машаққатларини ҳис қиладиган даврда эмасди. Яхши ўқирди, орзу қиларди, албатта. Лекин фаолияти давомида мураккаб вазиятларга дуч келаман, гоҳида оғир дардни бошидан кечираётган мурғаккина вужуд эгасининг митти иродаси билан ҳаёт учун курашишини ўз кўзларим

билан кўраман, унга ёрдам бераман, деб ўйламаганди. Эҳ-ҳе, оқ халатни эгнига илганига қанча йиллар бўлди. Бироқ мулоҳаза қилиб кўрса, худди асрлар ўтиб кетгандек. Жигаргўшасини опичлаб хузурига келган оналарнинг юзига назар солганда дақиқалар соатга, соатлар ойларга айланиб кетарди гўё. Касбга муҳаббат, инсонларга меҳр, уларнинг саломатлигига масъуллик ҳисси шифокор Зулфия Холмирзаева қалбига таскин бериб туради. Яширмайди, бу меҳр ва муҳаббат уни яшартиради ҳам. 1980 йилда Тошкент

Iftixor

Биз Ватанга нима беряпмиз?

Мана, йигирма уч йилдирки юртимизда истиқлолнинг заррин шаббодаси эсмоқда. Боболаримиз, момоларимиз асрлар бўйи энтиқиб кутган даврда, шод-хуррамликда яшяпмиз. Мустақилликнинг кенг имкониятлари мен каби ёшларни олға қадам ташлашга, мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этишга ундаб келмоқда.

Мен ҳам истиқлол билан тенгдош бўлиб, мустақиллик шарофати билан яратилган шароитларда вояга етаяпман. Замонавий таълим муассасаларида таҳсил олаяпман. Мактабни битириб, Фузор туман молия-иқтисод коллежида ўқидим. Коллежни тугатгач, Фузор туман судида котиб вазифасида ишлай бошладим. Хизматим давомида ҳуқуқий саводхонлик, фуқароларнинг ҳуқуқи тўғрисида, умуман, ижти-

мой ҳаёт ҳақидаги билимларим етарли эмаслигини англаб етдим ва Ўзбекистон Миллий университетининг фалсафа факультетида ҳужжат топширдим. Яқинда тест имтиҳонларини ҳам топшириб чиқдим. Яхши тайёргарлик кўрганим учун кўнглим ҳам хотиржам. Ниятим, мустақилликимизнинг 23 йиллиги арафасида талаба бўлиш.

Мустақиллик йилларида биз, ёшларга алоҳида этибор қара-

тилиб, кенг имконият ва шароитлар яратилмоқда. Буни нафақат туманимизда, балки вилоят, республика миқёсида ҳам кўриб турибман. Хорижда ўқиб келаётган ака-опаларимнинг айтишича, бундай этибор, шароитлар манамен деган мамлакатларда ҳам йўқ экан. Бу ҳар бир тенгдошимда гурур ва ифтихор туйғусини уйғотади. Бизнинг юртда барча нарса халқ ва унинг фаровон яшашига йўналтирилган.

Биз, ёшлар эса энг катта бойлигимиз бўлган миллатлараро ва фуқаролараро аҳилликни мустаҳкамлашга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим, деб ўйлайман. Шунда мустақиллигимиз янада мустаҳкам бўлади.

Шаҳзод НОМОЗОВ,
Фузор тумани



Вулқон лавасида мазали таом пиширилди

Британиялик пазандалар сунъий лавада таом пиширдилар. Сунъий лавани Сиракуз университети талабалари тайёрлашди.

Лавани Цельсий шкаласи бўйича 1148 даражагача қиздириш учун олтмиш соат кетди. Маълум бўлишича, бундай ҳароратда бир жуфт стейк ва маккажўхори сўталарини пишириш учун эса икки дақиқа етарли бўлган.

Жониворни тутиб бўлмади, оқибатда...

Болгариянинг Ловеч шаҳридаги ҳайвонот боғидан ягуар қочиб кетди. Уни тутиш учун олти соат уринган ҳайвонот боғи ва полиция ходимлари охири, уни отишларига тўғри келди.

Маълум бўлишича, ҳайвонот боғи ходимлари ягуарнинг қафасини ёпишни унутган, натижада йиртқич қафасдан қочиб чиқиб кетган. Полиция ҳатто боғ яқинида жойлашган туман аҳолисини эвакуация қилишга ҳам мажбур бўлди. Жониворни тутиш учун эллик киши жалб қилинган. Уни кучли уйқудори отадиган қуроллар ва жанговар патронлар билан тутиш имкони бўлмаганидан кейин, отиб ўлдиришга тўғри келди.

Чўл ўртасида кўл

Тунислик чўпонлар мамлакатнинг Гафса шаҳридан 25 километр узоқликда, чўл ўртасида кўлга дуч келишди.

Қизиги шуки, сирли кўл бундан тахминан уч ҳафта олдин пайдо бўлган. Олимлар ҳозирча ушбу ҳодисага изоҳ бера олишмаган бўлса-да, фаразларга кўра, кўл сейсмик фаоллик маҳсулидир. Мутахассислар ушбу янги кўлнинг сувини зарарли бўлиши ҳам мумкин, дейишмоқда.

Ҳозирча кўлнинг саёз жойлари ўн метр бўлса, чуқур жойлари ўн саккиз метргача етади.

Эл-классико Осиёда

Келаси йил Испаниянинг икки гранд клуби — «Реал Мадрид» ва «Барселона» футбол жамоалари Осиёнинг бир қатор мамлакатларида ўртоқлик учрашувларини ўтказишлари мумкин.

Уларни Хитой, Япония, Индонезия ва Жанубий Корея тижорат мусобақасини ўтказиш мақсадида таклиф қилмоқда. Маълумотларга қараганда, ушбу мусобақаларни ташкиллаштирадиган корхона раҳбарлари икки жамоага ҳам бир неча ўн миллион евродан даромад ваъда қилган.

Эслатиб ўтамиз, Европа чемпионлар лигасининг ўн карра ғолиби ҳисобланувчи «Реал Мадрид» клуби Осиё давлатларига охириги марта 2010 йилда сафар қилганди.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади

